



ЧИГИЛЛАР, Чикил — туркий кабилалар иттифоки. 10—11а. ларда Исиккўлнинг шим. шаркида ва Татар рнида яшаганлар.

Чигиллар Или дарёси водийсида, Кашкар якинидаги кишлокларда ва истехкомли кичик Чигил ш. (хоз. Авлиёота якинида)да яшашган. Туркман ўгузлар Амударёдан Хитойгача бўлган худудларда яшаган барча туркий кавмларни Чигиллар деб аташган. Чигиллар кўчманчи ҳаёт кечириб, асосан, чорвалик билан шугулланганлар. Тахм. 900 й. Ч. ягмолар билан бирга ислом динига киришган. Чигилларнинг бир қисми христиан бўлган. Чигиллар Карлуклар ва ягмолар билан бирга Хорахонийлар давлатида муҳим роль ўйнашган, хусусан, давлат бошқарув аппарати ва қўшиндаги энг муҳим мансабларни улар эгаллаган. 10—11а. бошида Чигилларнинг астасекин ўтrockлашув жараёни содир бўлган. 11а. нинг 1ярмида Чигилларнинг бир қисми Зарафшон водийсига кўчиб келиб, маҳаллий . аҳоли билан аралашиб кетган. Аду:Бартольд В. В.,Очерк истории Семиречья,Сочинения, т.2, ч. 1, М., 1963;Шониёзов К., Ўзбек халкининг шаклланиш жараёни, Т., 2001.